«ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК»ДАГИ ШЕЪРЛАР СЕМАНТИКАСИ

SEMANTICS OF POEMS IN «DIVANI LUGATI-T-TURK»

СЕМАНТИКА СТИХОВ «ДИВАНИ ЛУГАТИ-Т-ТУРК»

Qosimjon SODIQOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
professor of the department of Uzbek language and Classical oriental literature
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
kasimjansadikov@mail.ru.

Govhar RAHMATOVA
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
PhD researcher of the department of Uzbek language and Classical oriental literature
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
gokki1990@mail.ru

DOI: 10.47980/IIAU/2021/2/7

Аннотация: *Лирик қўшиқлар туркий халқлар эстетик дидининг нечоғлиқ бой экани, уларнинг азалдан сўз санъатига алоҳида меҳр билан қараганлари, бадиий тўқимада ўз даврининг энг илдам халқлари билан беллаша олиш даражасида адабий заҳирага эга эканини намойиш этади. Шунингдек, ушбу қўшиқларда туркийларнинг бадиий қарашлари ҳам намоён бўлади.*

Соф лирик кечинмалар навоторлиги, образларга бойлиги ва ўзига хос пафоси билан ҳамма даврда ўқувчи кўнглини ўзига ром этиб келган. Жаҳон адабиёти тарихида туркий халқлар шеърияти, шубҳасиз, алоҳида ҳодиса сифатида ўрганилади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари турк шеъриятининг илдизлари, унинг мавзу кўлами ҳақида кенг маълумот беради.

«Девону луғати-т-турк»да туркий халқлар оғзаки шеъриятидаги лириканинг илк куртаклари учрайди. Кошғарий ўз даврининг йирик тилшуноси, туркий халқлар урф-одатларининг билимдони ва илғор фикрли кишиси ўлароқ, ҳар бир сўзни ўзига хос ифода ёҳуд бирор шеърий парча билан далиллайди. Асардан жой олган ҳар бир шеър ўзининг бадиий қиймати, семантикаси билан ўзгача. Айниқса, бу нарса лирик шеърларда яққол кўринади. Лирик қўшиқларда оддий эпизодлар ҳам юксак бадиий савияда ёзилганлиги аждодларимизнинг сўзга чечанлиги, билидирилаётган фикрлар жимжимадор тарзда ифода этиш маҳоратини намоён этади

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган лирик парчалар маъшуқа васфи, ошиқнинг ўтли ҳижрон дамлари ва ўз маъшуқасига мурожат шеърларидан иборат. Уларда бадиий санъатлар ва унинг ўринлашуви масаласи эътиборга молик. Негаки, уларда қўлланган бадиий санъатлар туркий халқлар адабиётида дастлабкиси сифатида муҳим аҳамият касб этади. Бундай шеърий санъатлардан бир нечта турларини келтириш мумкин: ташбих, тазод, истиора, тажнис, такрир, муболаға, ирсоли масал каби. Лирик парчаларда тилга олинган бадиий санъатлар кейинги давр шеъриятининг ҳамма турларида ҳам фаоллик билан ўринлашишида ўз аксини топди.

Ушбу мақолада «Девону луғати-т-турк»даги лирик шеърлар семантикаси хусусида сўз юритилиб, уларнинг бадиияти очиб берилган.

Калит сўзлар: *оғзаки адабиёт, рамз, образ, бадиий тафаккур, бадиий услуб, семантика, лирика, тўртлик, бадиий санъат.*

Аннотация: *Лирические песни показывают богатство эстетического вкуса тюркских народов, их особую любовь к искусству речи и свидетельствуют об их творческом потенциале в художественной литературе, способной конкурировать с самыми развитыми народами своего времени. В этих песнях также нашли своё отражение художественные взгляды тюрок.*

Чисто лирические переживания с их новизной, богатством образов и неповторимым пафосом всегда увлекали читателя. В истории мировой литературы поэзия тюркских народов, несомненно, изучается как отдельное явление. «Дивани лугати-т-тюрк» Махмуда Кашгари дает обширную информацию о корнях тюркской поэзии и ее масштабах.

Первые зачатки лирической поэзии в устной поэзии тюркских народов мы можем найти в «Девону лугати-т-тюрк». Как великий лингвист своего времени, знаток традиций тюркских народов и передовой мыслитель, Кашгари иллюстрирует каждое слово уникальным выражением или поэтическим отрывком. Каждое стихотворение в произведении уникально по своей художественной ценности и семантике. Особенно это заметно в лирических стихах. То, что даже простые эпизоды в лирических песнях написаны на высоком художественном уровне, демонстрирует красноречие наших предков, их умение спокойно выражать мысли.

Лирические отрывки в «Дивани лугати-т-тюрк» состоят из описания возлюбленной, страданий возлюбленного и стихов, адресованных его избраннице. Особого внимания заслуживают средства художественного изображения, как впервые использованные в этих отрывках, в контексте литературы тюркских народов. Можно назвать несколько видов средств художественного выражения: ташбих, тазад, истиара, тажнис, такрир, мубалага, ирсали масал. Упомянутые в лирических отрывках средства художественного изображения нашли отражение во всех типах поэзии более позднего периода. В данной статье обсуждается семантика лирических

стихов в «Дивани лугати-т-тюрк» и анализируются средства художественного изображения.

Ключевые слова: *фольклор, символ, образ, художественная мысль, художественный стиль, семантика, лирика, четверостишье, художественное исскуство.*

Abstract: *Lyric songs depict how rich is the aesthetic taste of the Turkic peoples and their special love for verbal art for a long period, and the fact that they possessed artistic resources capable of competing with the most agile peoples of their time. Moreover, these songs illustrate the artistic views of the Turks.*

Pure lyrical experiences, with their novelty, the richness of images, and unique pathos, have always engaged the reader. The poetry of the Turkic peoples is studied as a separate phenomenon in the history of world literature. Mahmud Kashgari's Divani lugat at-Turk provides extensive information about the foundations of Turkish poetry and its scope.

We can see the first paradigms of lyric poetry in the oral poetry of the Turkic peoples in the Divani lugat at-Turk. As a great linguist of his time and an advanced thinker – Kashgari proves each word with its specific expression or a piece of poetry. Each poem in his work is unique regarding its artistic value and semantics. We can see this, especially in these lyrical poems. Even simple episodes in lyrical songs demonstrate the ability of our ancestors to express thoughts beautifully.

The lyrical passages in the Divani lugat at-Turk consist of the description of the mistress, the sad moments of the separation of beloved ones, and the poems addressed to his beloved one. The issue of fine art and its location is noteworthy in them. The devices used in them play an essential role as the initial version in the context of the literature of the Turkic peoples. The author cites some examples of such poetic art: tashbih, oxymoron, metaphor, tajnis, repetition, hyperbole (mubalaga), irsali masal, etc. These devices were actively reflected in all types of poetry of the later period.

This article discusses the semantics of lyrical poems in the Divani lugat at-Turk and reveals their fine art.

Keywords: *folklore, symbol, image, artistic thought, artistic style, semantics, device, lyric, quartet, fine arts*

КИРИШ

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий сўзлар маъносини очиқлаш мақсадида, ўрни билан, шеърий тўртликлар ва байтлар келтирилган. Шеърлар мазмунан бой ва турли туман бўлиб, халқ ижодидан сайлаб олинган Ушбу узиндиларни йиғиб, бир достон ёки бир қанча қўшиққа жамлаш ҳам тўғри эмас. Асарни ёзгунга қадар муаллиф қанчадан-қанча халқ достонлари ва қўшиқларини йиғиб чиққан (буни ўзи ҳам китобнинг кириш қисмида айтиб қўйибди). Ўшалардан олинган узиндилар асар бўйлаб сочилиб ётибди. Қолаверса, бу шеърий асарлар турли даврларга оид; айримларининг илдизи икки-икки ярим минг йил нарига кетади. Бу хусусиятларига кўра, ўтмишда яратилган луғатлар орасида туркологиядагина эмас, бутун шарқ лексикографиясида ушбу асарга тенглашадигани топилмайди.

Қўлёзмада ушбу шеърий узиндилар ***vaqāla*** жумласи билан бошланиб, улар қирмизи рангда сарлавҳа кўринишида ажратиб ёзилган. Ушбу жумла ўзидан кейинги шеърий матнларнинг мазмунига мувофиқ ҳолда «(Шоир) шундай деган», «(Билимли) шундай деган», «(Кўпни кўрган донишманд) шундай деган» сингари маъноларни беради.

Халқ қўшиқларидан олинган шеърий узиндиларни мазмунига кўра бир қанча туркумга ажратса бўлади: меҳнат қўшиқлари, ов қўшиқлари, жангнома қўшиқлар, пандномалар, лирик шеърлар сингари.

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърий узиндилар жаҳон ҳамда юртимиз олимлари томонидан адабиётшунослик ҳамда тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Хусусан, шеърий узиндилар тематикаси, бадиий хусусияти ҳамда вазни юзасидан И.В. Стеблева [Stebleva I.V., 1971; 1976_1; 1976_2; 2012], А.И. Элове [Elova A.I., 1937], З. Кўркмаз [Korkmaz Z., 1995:254-260], Ў. Акбулак [Akbulak Ö., 2015], Р. Арат [Arat R., 1991], Д. Кайа [Kaya D., 2016], Доктор Ҳусайн Муҳаммадзода [Muhammadzoda, Husayn, 1386], Р. Данкофф, Ж. Келлилар [Kashgari, Mahmud, 1985] тадқиқот олиб борган бўлса, юртимизда «Девону луғати-т-турк»нинг илк тадқиқотчиси Фитрат ҳисобланади [Abdurauf Fitrat, 2006]. Шеърлар тематикасини ёритиб беришда Фитратнинг хизмати катта. Асардаги туркий шеърлар А. Қаюмов томонидан ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиниб, «Қадимги ёзма ёдгорликлар» китобига киритилган [Qayumov A., 2000]. Шунингдек, «Девону луғати-т-турк»даги парчалар бадийяти ва семантикасини очиб беришда А. Хайитметов [Xayitmetov A., 1972:123-129; 1974:138-149], А. Абдураҳмонов [Abdurahmonov A., 2004], Қ. Содиқов [Sodiqov Q., 2014_1; 2014_2; 2016], Н. Раҳмонов [Rahmonov N., 2018], М. Маматқулов [Mamatqulov M., 2004], Д. Ражабов [Rajabov D., 2013], М. Раҳимжонов [Rahimjonov M., 2006:86] ларнинг тадқиқотларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Юқорида номлари санаб ўтилган олимлар тадқиқотларида «Девону луғати-т-турк»даги лирик шеърий узиндилар семантикаси яхлит иш объекти сифатида белгиланмаган.

Ушбу мақолада асарда берилган лирик шеърий узиндилар семантикаси таҳлилга тортилади.

МЕТОД

Ушбу тадқиқотнинг мақсади «Девону луғати-т-турк»да келтирилган лирик шеърлар семантикасини очиб беришдан иборат. Шу боис ушбу тадқиқотга

Маҳмуд Кошғарийнинг қадимги туркий оғзаки адабиёт намуналарини жамлаган «Девону луғати-т-турк» асари манба сифатида олинди. Тадқиқотда ушбу асардан танлаб олинган ўн бешдан зиёд шеърий парча мисолида туркий халқлар оғзаки ижодидаги лирик шеърлар семантикаси таҳлилга тортилди. Тадқиқотни амалга оширишда ўзбек адабиётшунослигидаги тажрибалар билан бир қаторда чет элларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар методикасига ҳам суянилди. Қиёсий, таҳлилий ва таснифий каби методлар шулар жумласидандир.

ТАҲЛИЛ

Туркий лирик шеъриятнинг бошланиши деганда, биз асосан, ўрта асрлар классик адабиётини тушунамиз. Аслида эса туркий лирик шеъриятнинг илдизини, поэтик маҳорат масалаларини анча наридан – қадимги туркий оғзаки шеъриятдан бошлаганимиз тўғри. Ниҳоятда гўзал ташбиҳлар, ҳеч кимсанинг ўй-хаёлига келмас таърифларга, бадиий санъатларга дуч келамиз уларни ўқиб. Кўз ўнгимизда, оддий, жўнгина кўринган шеър ва қўшиқларда сўз санъатининг теран анъаналари, сўз усталарининг юзйилликлар оша йиққан тажрибалари жамланган. Шеърларда туркий тилнинг бой ва чексиз имкониятлари ишга солинган. Маҳмуд Кошғарий туркий сўзлар маъносини очиқлаш мақсадида келтирган шеърий узиндиларни халқ бадиий тафаккурининг энг кўркли ва дилтортар, қадимги туркий лириканинг ажойиб намуналари деса бўлади.

Лирик шеърлардан олинган узиндиларнинг кўпи 7 бўғинли; бундан оз ёки ортиқ бўғинлилари ҳам бор; улар турли замонларда тўқилган турли қўшиқ ва шеърлардан олингани учун ҳам шундай; тўртликларнинг қофияланиши *a–a–a–b; a–a–a–a; a–b–c–b;* иккиликларнинг қофияланиши эса *a–a* шаклидадир.

Энди шеърлар семантикасини бир қанча тўртлик ва байтлар мисолида кўриб чиқамиз.

«Девону луғати-т-турк»даги лирикага оид парчаларда бадиий тасвир воситалари юксак маҳорат билан акс этган. Бу туркум шеърларда, одатда, тўлиқ бўлмаган ташбиҳ [Бу ҳақда қаранг: Ish'oqov Y., 2006:86] дан кенг фойдаланилган.

Мисол учун, «Девону луғати-т-турк»да маъшуқа *yelkin* дея тилга олинади. Бу сўз аслида «мусофир» маъносида, лекин шеърий парчада маҳбубанинг ёр олдида қўнимсизлиги мусофирга ўхшатилади. Мисол:

Yelwin anïŋ közi,
Yelkin anïŋ özi.
Tolun ayïn yüzi,
Yardï meniŋ yüräk [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:334].

Тўртликда кечан ***yelwin*** – «сеҳрловчи, сеҳргар, ўзига ром этувчи» маъноларида [DTS, 1969:254]. Поэтикада бу сифат кўпроқ гўзалларнинг кўзига нисбатан ишлатилган; ***yelkin*** – сўзма-сўз олганда «мусофир» дегани [DTS, 1969:254], Маҳмуд Кошғарий ҳам арабча таржимада уни ***musāfir*** деб ўгирган. Лекин у шеърда суюкли ёрга нисбатан ишлатилмоқда, шунинг учун уни «ел сингари, қўнимсиз, кўздан ғойиб бўлувчи» дея тушунилгани маъқул; ***yardï*** – асл маънода «ёрди» дегани, лекин юракка нисбатан ишлатилиб, ***Yardï meniŋ yüräk*** дейилганда «менинг юрагимни ёрди» дея талқин қилиб бўлмайди, «юрак-бағримни чок қилди» дейилгани тўғри.

Шундан келиб чиққан ҳолда, шеър маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Сеҳргар унинг кўзи,
Ел каби унинг ўзи.
Тўлин ой каби юзи,
Вайрон қилар юрагим.

Бу ўринда маҳбубанинг қўнимсизлиги, дийдорини жуда оз фурсат кўрсатишига ишора бор.

Яна бир мисол:

Yelkin bolup barduqï,
Köŋlüm aŋar bağlayu.
Qaldïm erinč qadğuqa,
Ïšïm uдu yïğlayu [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:428].

Шеър маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Бир кўриниб кетди у,
Кўнглим унга боғлайман.
Қолдим чуқур қайғуда,
Узу кунлар йиғлайман.

«Девону луғати-т-туркда»ги энг чиройли ташбиҳ ишлатилган лирик шеърлардан бири ***butaq***, яъни «бутоқ» сўзи билан боғлиқ. Кошғарийнинг ёзишича, шеваларда бу сўзнинг ***butïq*** варианти ҳам ишлатилган. Луғатда бунинг поэтик вазифаси билан боғлиқ шундай байт берилган:

Kim ayïp, eštür qulaq:
Ay ewi artuč butaq? [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:152].

Ушбу байтда кечган ***Ay ewi*** – «Ойнинг уйи» дегани, бу бирикма «Ой буржи»ни ҳам англатади; қадимги туркий тилда «бурж»ни ҳам ***ew*** дейилган; ***artuč butaq*** – «санубар дарахтининг бутоғи» (қадимги туркийда «санубар дарахти» ***artuč*** аталган); ***Ay ewi artuč butaq*** жумласи – «Ойнинг уйи, яъни турар ери санубар бутоғидадир» деган маънони англатади. Бунинг билан севиклисининг бўй-басти санубар дарахтига, унинг юзи эса тўлин кечада санубар ортида кўринаётган тўлин ойга ўхшатилмоқда. Тўлин ой гўё санубар дарахтига қўниб тургандай шоирнинг тасаввурида. Ҳаёлга келмас, қулоқ эшитмаган, ўта ажойиб таърифдан ажабланган шоир: «Ойнинг уйи ҳамда турар ери санубарнинг бутоғидир, деб ким айтган ва (бундай чиройли сифатни) қайси қулоқ эшитган?» дея ҳайратланмоқда. Қадимги туркий лириканинг шоҳ сатрларидан деса бўлади бу байтни.

Сўз маъноларидан келиб чиқиб, байт мазмунини қуйидагича баён қилиш мумкин:

Ким айтди, эшитди қайси қулоқ –
Ки, ой уйидир санубар бутоқ [Qadimiy hikmatlar, 1987:70].

Ёки гўзал ташбиҳ ишлатилган бошқа бир мисол. Луғатда ***yulaq*** деган сўз берилган, муаллифнинг таъкидлашича, у «бир қанча кичик-кичик сув йўллари; жилғалар» дегани. Бу сўзнинг поэтик маъноси қуйидаги байтда яхши очилади:

Aqturur közüm yulaq,
Tüš qïlur ördäk, yuγaq [Koshg‘ariy, Mahmud, 2017:329].

Байтда кечган ***aqturur*** феълининг маъноси – «оқизади» деганидир; айни сатрдаги ***yulaq*** сўзи кўз ёшига ташбиҳ қилинмоқда; ***tüš qïlur*** – бошқа бир ўринда худди шу байт келтирилиб, унда ***tüšlänür*** деб берилган – «(сувга) қўнади» маъносидадир; ***yuγaq*** – ўрдак сингари сувда сузувчи бир қушнинг оти.

Бунинг билан айтмоқдаки: «Кўзимдан оққан ёш сувлари жилғаларга айланмоқда. Унга ўрдак ва бошқа сув қушлари қўнаётир». Нақадар чиройли байт.

«Девону луғати-т-турк»да ***qïwal burun*** деган сўз бирикмаси бор. Муаллифнинг таъкидлашича, «келишган, чиройли бурун» маъносини билдиради бу бирикма; у гўзаллар таърифида ишлатилади. Яна айтилишича, «бундай бурун ҳамма учун севимлидир».

Бу сўзнинг поэтик маъносини очиқлаш мақсадида жорияни мақтаб айтилган бир шеър мисол келтирилади. Унда маъшуқа толга ўхшатилса, мажнунтолга муҳаббат рамзи сифатида қаралади:

Ardï seni qïz,
Bodï anïŋ tal.
Yaylïr anïŋ artučï,
Burnï taqï qïwal [Koshg‘ariy, Mahmud, 2017:165].

Тўртликда кечган ***ardï*** – «алдади» маъносида; ***bodï*** – «бўй-басти»; ***artuč*** – «сарв дарахти»; одатда, классик адабиётда гўзалнинг тик қомати сарв дарахтига ташбеҳ қилинади; ***Yaylïr anïŋ artučï*** – «(унинг нозикниҳол қомати) сарв дарахтининг навдасидек эгилади» маъносидадир; ***taqï*** – «яна; тағин» маъносида бўлиб, таъкидни билдиради.

Бу шеърда айтилмоқдаки: «Сени юмшоқ баданли қиз алдади. (Унинг нозикниҳол қомати) сарв дарахтининг навдалари сингари эгилар эди. Бурни ҳам чиройли, келишган эди».

«Девону луғати-т-турк»да ***bodursïn*** сўзи келтирилган, маъноси «бедана» дегани. Муаллиф бу сўзнинг маъносини очиқлаш учун ошиқ севгисини васф этувчи қуйидаги байтни мисол қилиб келтирган:

Özüm meniŋ bodursïn,
Otï anïŋ čaqlanur [Koshg‘ariy, Mahmud, 2017:202].

Мазмуни: «Қалбим бедана кабидир, унинг муҳаббат олови устида айланади». Яъни, «Мен унинг муҳаббат ўти теварагида бедана сингари айланаман». Байтда ошиқ ўзини бутун ўзлиги ила талвасага тушган беданага ташбиҳ қилмоқда.

Асардаги узиндилар ичида маъшуқага мурожаат шеърлари ичида уни «тузоқ»қа ўхшатилган ўрин ҳам мавжуд:

Iglädi meniŋ aδaq,
Körmädïp oğrï tuzaq.
İglädim andïn uzaq,
Emlägil emdi, tuzaq [Koshg‘ariy, Mahmud, 2017:153].

Ушбу шеърда кечган ***iglädi*** феълининг англами – «яралади» (***ig*** – «касал» сўзидан ясалган); ***körmädïp*** – «кўрмай»; ***emlägil*** – «даволагил» дегани (***em*** – «даво» сўзидан); тўртликдаги ***tuzaq*** сўзи икки маънода ишлатилган: ***oγrï tuzaq*** – «яширин тузоқ»; сўнгги қотордагиси эса кўчма маънода бўлиб, «севикли ёр»ни англатади; ***Emlägil emdi, tuzaq*** жумласида «Эй севгилим, энди дардимни ўзинг давола» дея ёрга мурожаат қилинмоқда.

Сўз маъноларидан келиб чиқиб, тўртлик маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Мен босиб олдим оёқ,
Кўрмайин ўғри тузоқ.

Оғриндим ундан узоқ,
Давола энди, тузоқ.

Мисолдаги *tuzaq* сўзларининг биринчиси «қопқон» (муҳаббат тузоғи) ва иккинчиси кишининг ўз севгилисига севиб айтадиган сўзи, яъни ундалма. Лирик қаҳрамон бир кўришда муҳаббатга мубтало бўлганини ва бу ҳолатга тушганини биринчи мисрада у тузоққа тушдим, дея ифодаламоқда. Парчанинг охирги қаторида эса, лирик қаҳрамоннинг маъшуқага мурожаати, уни суйиб атаётган сўзи, келтирилган.

Айрим шеърларда ошиқ ўз севгилисига сизлаб мурожаат қилади. Маҳмуд Кошғарий турклардаги сизлаб гапириш тўғрисида сўз юрита туриб ёзади: «Ўғуз ва қипчоқлар бирликда ***bar***, кўпликда ***barïŋ*** дейдилар. Улар кўплик қўшимчаси ***-lar*** ни тушириб қолдирадилар; ***-lar*** ўрнига тингловчи бирлигида ***-ïŋïz*** қўшимчасини қўллайдилар. Ҳурмат учун бир кишига ҳам <*-zā*> ҳарфини орттирадилар, улар тилида бир кишига нисбатан ҳам кўплик устига кўплик қўлланади», – деб ёзади.

Луғат муаллифининг туркий ҳурмат шаклига ўрнак қилиб келтирган тўртлиги шундай:

Awlap meni qoymaŋïz,
Ayïq ayïp qaymaŋïz.
Aqar közüm-uš teŋiz,
Tegrä yürä quš učar [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:221].

Қиз боланинг ўз севиклисига айтаётган сўзларининг маъноси шундай бўлади: «Мени овлаб ўзингизга асир қилганингиздан кейин, ҳўрлаб ташлаб қўймангиз, ваъдага вафо қилингиз, кўз ёшларим денгиз суви каби оқаётир. Унинг теграсида қушлар учиб юрибди».

Кўз ёши шўр бўлгани учун денгизга ўхшатилмоқда.

«Девону луғати-т-турк»даги лирик шеърларда, асосан, маъшуқа гўзаллигининг сифати берилади. Асарда ***ulas köz*** деган мисол берилган. Муаллифнинг изоҳига қараганда, унинг маъноси «сузик, ёқимли кўз; хумор кўз» дегани. Бу сифат қадимги туркий поэтикада маҳбуба кўзининг таърифида келади, шеърнинг бадиий-эстетик қимматини оширади. Унинг шеъриятдаги маъносини очиқлаш учун асарда шундай тўртлик келтирилган:

Bulnar meni ulas köz,
Qara meŋiz, qïzïl yüz.
Andïn tamar tükäl tüz,
Bulnap yana ol qačar [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:37].

Ушбу тўртликда кечган ***bulnar*** – «ўзига тортади, асир қилади» маъносида; ***meŋiz*** – хол; Навоийнинг таърифича, «улуғ, чиройли хол» ана шундай аталган; ***tüz*** – «тўғри; текис», шунингдек, қадимги турк шеъриятида севикли қизнинг ширин сўзига нисбатан ҳам қўлланади «ширин, ёқимли сўз» англамида; ***Andïn tamar tükäl tüz*** – «Унинг тилидан ширинлик томади» деган маънодадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, шеър маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Мафтун этар хумор кўз,
Қора холли, қизил юз.
Ундан томар тугал туз,
Асир қилар-у, қочар.

Ёр ўз суюкли маҳбубасига таъриф берган ушбу парчада *ulas* сўзи «тим қора» маъносини англатади. Бу ўринда ошиқнинг ёрга мурожаати ёрни «қора кўз» деб аташ орқали берилмоқда. Демак, ёр учун мана шундай образнинг қўлланиши қадимги турк оғзаки адабиётида мавжуд эди. Маъшуқа гўзаллиги куйланган парчаларда улар *qara meŋiz, qïzïl yüz* сифатида таърифланган. Бунда қора ранг «ёшлик», «гўзаллик», «чирой», қизил ранг эса «муҳаббат» ва «гўзаллик» рамзи сифатида келади.

Маҳмуд Кошғарий *meŋ* сўзига мисол тариқасида келтираётган қуйидаги тўртликда маҳбубага *meŋlig qara* дея мурожаат этилмоқда:

Beriŋ meŋä söz-kiyä,
Meŋlig qara tuz-qïya.
Yalwïn tutar köz-kiyä,
Muŋum meniŋ biliŋ-ä [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:444-445].

Шеър маъносини қуйидагича баён қилишимиз мумкин:

Бергил менга сўзгина,
Қора холли, боққина.
Чеҳранг этди маҳлиё,
Менинг холим билгина.

Бу ерда «*meŋlig qara*» бирикмаси ўз маъносида қўлланаётгани йўқ, балки у орқали шоир маҳбубага мурожаат этмоқда. Демак, бу ёрдаги бирикма замирида чиройли қора холли маъшуқа тушунилаётганини сезиш қийин эмас. Бу эса истиоранинг маҳсулидир.

Бошқа бир лирик тўртлик ***ïwrïq*** сўзининг маъноси билан боғлиқ. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, ***ïwrïq*** – «кўзача, май ичиладиган жўмракли идиш»дир. Бу атаманинг поэтик маъносини очиқлаш

учун луғат муаллифи шундай шеърни ўрнак қилиб келтирган:

Ïwrïq bašï qazlayu,
Saγraq tolu közläyü,
Saqïnč quδï kezläyü,
Tün-kün bilä sewnälim [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:53].

Тўртликда кечган ***ïwrïq bašï*** – «иврикнинг боши», яъни «май идишининг жўмраги» англамида; ***qazlayu*** – «ғоз каби» дегани (***-layu*** – ўхшатиш қўшимчасидир); ***saγraq*** – «иврикнинг туби» дегани; ***Saγraq tolu közläyü*** – «Иврикнинг туби кўз косасидек тўлган» деган маънони англатади. Яна бир жиҳати: ушбу ташбеҳда «иврикдаги май» – муҳаббат рамзи, идиш тубининг майга тўлалиги – «қайғу-алам; айрилиқ» рамзидир, буни кейинги сатрда унинг ***saqïnč*** сўзи билан берилаётганлиги ҳам тасдиқлаб турибди; ***kezläyü*** – асли «беркитиб, яшириб» дегани, лекин бу ерда қайғу-аламга нисбатан қўлланаётгани учун поэтик англамда «ташлаб, кўмиб, улоқтириб» дея тушунмоқ керак.

Бу шеърда айтилмоқдаки: «Иврик [май идиши] нинг боши ғоз кабидир, туби кўз (косаси)дай (ёшга) тўлган. Қайғуни унинг тагига кўмайлиг-у, кеча-кундуз севинайлик».

Асардаги лирик шеърларда кўпроқ ошиқнинг изтиробли ҳолатларини бўрттириш етакчи ўрин тутади:

Awlap meni qoymaŋïz,
Ayïq ayïp qaymaŋïz.
Aqar közüm-uš teŋiz,
Tegrä yürä quš učar [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:221].

Шеър таржимаси қуйидагича:

Аввал асир қилмангиз,
Сўнгра ташлаб қўймангиз.
Кўз ёшларим чун денгиз,
Теграсида қуш учар (А. Қаюмов таржимаси).

Маъшуқа ваъдасига вафо қилмаганлиги сабабли ошиқнинг кўзидан тинимсиз ёш оқади. Шоир фикрича, бу ёшлар йиғилиб, денгиз ҳосил қиляпти. Кўз ёшларидан пайдо бўлган денгиз атрофида эса қушлар учиб юрибди. Муболаға усули бу ерда ошиқнинг маъшуқа дардидаги азобларини кучайтираяпти.

Ёрнинг жафокашлигидан жавр кўрган ошиқ тимсолини таърифлашда «Девону луғати-т-турк»даги парчаларда жуда моҳирлик билан шеърий оҳангга сингдирилган ўринларни учратамиз:

Yïğlap uδu irtädim,
Bağrïm bašïn qartadïm.
Qačmïš qutuğ irtädim,
Yağmur köni qan sačar [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:115].

Ушбу шеърий парчада ***arta*** – бузилмоқ, яроқсиз ҳолга келмоқ, ёмонлашмоқ, оғирлашмоқ, ёмонлашиб кетмоқ, хароб бўлмоқ, вайрон бўлмоқ [DTS, 1969:56] маъноларини англатади; ***baš*** – яра [DTS, 1969:87], ***qarta*** – ярани тирнамоқ, очмоқ, янгиламоқ [DTS, 1969:430] дегани, ***irtä*** – қўмсамоқ, хоҳламоқ [DTS, 1969:212] маъносида.

Шундан келиб чиққан ҳолда, маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Йиғлаб севгим эсладим,
Қалб ярасин тирнадим.
Кетган бахтим изладим,
Кўз қон ёмғирин тўкар.

Парчада ошиқ ёрнинг жафокашлигидан, ишқнинг унга ёр бўлмаганидан ғамгин ўксинмоқда. Шу билан бирга, ошиқ ўз қўлида бўлган имконни бой берганидан афсусда. Бунинг оқибатида ошиқнинг кўзидаги ёшлари қон каби томчилайди.

Яна бир ўринда ҳам маъшуқа дардидан озорланган ошиқ, менинг юзим сарғарди, дея зорланади:

Üδik meni qumïtti,
Saqïnč meŋä yumïttï.
Köŋlüm aŋar emitti,
Yüzüm meniŋ sarğarur [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:41].

Ушбу шеърий парчада: ***üδik*** – кучли ҳис туйғу, завқ, эҳтирос, оташин муҳаббат [DTS, 1969:622]; ***qumït-*** – ҳаяжонга солмоқ; ***yumït-*** – истамоқ, хоҳламоқ [DTS, 1969:279]; ***saqïnč*** – 1. фикр, хаёл, ўй; 2. ният, мақсад, қасд; 3. ғам, ташвиш (ДТС, 486); ***emit-*** – эгилмоқ, *köŋlüm aŋar emitti* – менинг юрагим унга эгилди [DTS, 1969:173].

Шундан келиб чиққан ҳолда, маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Севги дарди қўймайди,
Соғинч яна қийнайди.
Кўнглим унга тўймайди,
Юзим менинг сарғаюр (А. Қаюмов таржимаси).

Лирик шеърларда ошиқ ўз ёридан айрилса, энди сенсиз ёлғиз қолдим, атрофимда ҳеч ким йўқ, дея зорланади. «Девон»даги адабий парчаларда ҳам биз мана шу холни кўришимиз мумкин:

Üδik meni küčäyür,
Tün-kün turup yïğlayu.
Kördi közüm tawraqïn,
Yurtï qalïp ağlayu [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:413].

Таржимаси:

Севгим менинг куячаюр,
Кеча-кундуз йиғлайман.
Кўрди кўзим кетганин,
Юртда ёлғиз қолгайман (А. Қаюмов таржимаси).

«Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган халқ оғзаки ижоди намуналаридаги кўпчилик бадиий тасвир воситалари кейинчалик ёзма адабиётда янада сайқалланиб, гўзал ижод намуналарининг яратилишига асос бўлган.

Луғатда ***andïqtï*** сўзи бор; масалан, ***er andïqtï*** дейдилар, бу «киши онт ичди» дегани. Бунинг бадиий адабиётда ишлатилишига шундай мисол берилган:

Qoyγašïp yatsa anïŋ yüziŋä,
Alsïqar ögin anïŋ sözïŋä.
Miŋ kiši yuluγï bolup özïŋä,
Bergälär öδin anïŋ közïŋä [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:105].

Шеърда кечган ***alsïqar ögin*** – «эс-хушини ўғирлайди, йўқотади» деган маънода (***ög*** – «ақл; фикр» дегани). Ҳозирги ўзбек тилида ишлатилаётган ***öy-fikr, öylä*** сўзларидаги ***öy*** ҳам ўша сўзнинг ўзгарган вариантидир. Ёки яна чоғиштиринг: қадимги туркийда ***ögä*** дейди, «ақлли, доно» дегани. Ҳозирги ***örgät*** сўзимиз ҳам ўтмишда ***ögrät*** дейилган; туркчадаги ***öğretmen*** сўзи ҳам ана шу ўзакдандир; учинчи қатордаги ***yuluγï bolup*** – «фидоси бўлиб; қурбони бўлиб»; сўнгги қатордаги ***bergälär öδin*** – «жонларини бергайлар» маъносида.

Сўз маъноларидан келиб чиққан ҳолда, шеър маъносини шундай баён қилишимиз мумкин:

Бағрида унинг боқса юзига,
Йўқотар ҳушин унинг сўзига,
Минг киши шайдо бўлиб ўзига,
Фидо бўларлар унинг кўзига.

«Девону луғати-т-турк»даги энг чиройли ташбиҳ ишлатилган лирик шеърлардан бири ***butaq***, яъни «бутоқ» сўзи билан боғлиқ. Кошғарийнинг ёзишича, шеваларда бу сўзнинг ***butïq*** варианти ҳам ишлатилган. Луғатда бунинг поэтик вазифаси билан боғлиқ шундай байт берилган:

«Девону луғати-т-турк»да ***qïwal burun*** деган сўз бирикмаси бор. Муаллифнинг таъкидлашича, «келишган, чиройли бурун» маъносини билдиради бу бирикма; у гўзаллар таърифида ишлатилади. Яна айтилишича, «бундай бурун ҳамма учун севимлидир».

Луғатда ***tegdi*** феъли бор; ***ol ewkä tegdi*** дейилади, бунинг маъноси «у уйга ва бошқа жойга етди» дегани. Мақолда шундай келган: ***Ewäk ewkä tegmäs.*** Маъноси: «Шошган киши уйига ета олмайди». Чунки у тез чоптириб отини чарчатиб қўяди, сўнг армонда қолади. Бу моқол ишда шошма-шошарлик қилмасликка ундаб айтилган. Бу сўзга қуйидаги шеър ҳам мисол қилиб келтирилган:

Atγalïr oqnï azaq,
Tegmädi bu saw ušaq [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:214].

Шеърдаги ***azaq oq*** – «адашган, дайди ўқ» дегани; ***atγalïr*** – «отмоқ истайди» маъносида; ***saw*** – «сўз, гап», ***saw ušaq*** – «майда гап; иғво» дегани; ***tegmädi*** феълини «етмади» деб оламиз. Сўз севгиси туфайли йигитга отилаётган майда гап устида бораётир, бу ҳам етмагандай севгилиси унга қарата дайди ўқни мўлжалламоқда.

Иккиликнинг маъноси шундай бўлади: «Менга бу маломат етмас эдими, (бунинг устига) бу шўх қиз менга дайди ўқ отмоқ истайди».

Маҳмуд Кошғарий ***belgürdi***, яъни «билинди; маълум бўлди» сўзининг маъносини очиқлаш учун шундай бир отасўзини келтирган: ***Küz keligi yazïn belgürär.*** Маъноси: «Кузнинг қандай келиши ёзда маълум бўлади». Муаллифнинг таъкидлашича, бу мақол олдиндан маълум бўлган, кейин келадиган нарсага нисбатан ишлатилади. Бу сўз шарҳида яна мисол қилиб қуйидаги тўртлик ҳам берилган:

Kezläp tutar sewüglüg,
Aδrïš küni belgürär.
Bašlïγ közüg paysama,
Yašï anïŋ sawrïqar [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:259).

Тўртликда кечган ***kezläp tutar*** – «яширин тутилган»; ***aδrïš küni*** – «айрилиқ куни»; ***bašlïγ*** – «ярали, ярадор» (***baš*** – «яра» сўзидан ясалган); ***Bašlïγ***

közüg paysama – «ярадор, чир бўлган кўзни яширма» дегани.

Юқоридаги тўртликнинг маъноси шундай бўлади: «Яширин тутилган севги айрилиқ куни билиниб қолади, маълум бўлади. Ярали ва касалга чалинган кўзни яширма, ёши ошкор қилади».

Келтирилган поэтик узиндилар орасида ишқнинг ўтли азоби таърифланган шеърлар ҳам бор. Масалан, луғатда ***tutandï***, яъни «тутади» сўзининг маъносини очиқлаш учун берилган байтда севгининг таърифи яхши берилган:

Üδik otï tutunup,
Öpkä, yüräk qoγrulur [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:251].

Шеърда кечган ***üδik*** – «туйғу; ҳаяжон», яъни «севги-муҳаббат туйғуси» маъносида; ***qoγrulur*** – «қоврулади» дегани.

Севгининг таърифи айтилган байтнинг мазмуни шундай бўлади: «Қачон севги ўти ёнса, ундан юрак, ўпка ва унинг теварагидаги аъзолар куйиб қоврулади».

Эски туркий тилда ***sïzγurdï*** сўзи «эритди» деган маънода ишлатилади. Масалан: ***er yaγ sïzγurdï*** дейди, бу «киши ёғ ва бошқа нарсаларни эритди» дегани.

Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, иситма беморни ҳолдан тойдиришига ҳам шу сўз қўлланади. Бунга мисол келтирилган байт шундай:

Köŋli küyüp, qanï qurup, aγzï ačïp qatγurar,
Sïzγuryalïr üδüklär / üδiklär essiz yüzi burqarar [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:264].

Бу шеърда айтмоқдаки: «Дили куйиб, қони қуриб, қаҳ-қаҳ отиб кулади. Ишқ уни эритиб юборар даражада, бечоранинг юзларини сарғайтирарди». Яъни, «У қотиб кулади-ю, лекин ишқ унинг дилини ёндирган, қонини қуритган, чеҳрасини ачинарли ҳолда сўлдирган».

Асарда ***yïraq***, яъни «йироқ, узоқ» сўзининг поэтик маъноси билан боғлиқ ҳолда шундай байт берилган:

Oγrayïm kendü yïraq,
Bulnadï meni qaraq [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:332].

Ушбу байтда кечган ***oγrayïm*** – «борар ерим»; ***kendü*** – «ўз», яъни ўзлик олмошидир; ***qaraq*** – «кўз» дегани, бу ерда поэтик англамдаги «қоракўз», яъни «маҳбуба» назарда тутилмоқда.

Айтмоқдаки: «Борар ерим узоқ эди, (лекин) қоракўз мени (йўлда) асирга олди».

Муаллиф ***yükündi***, яъни «бош эгди; юкунди» сўзининг маъноси тўғрисида сўз юрита туриб, ошиқ севган кишисининг тунда келишини таърифлаб айтган бир тўртликни мисол келтиради:

Yüknüp meŋä imlädi,
Közüm yašïn yamladï.
Bayrïm bašïn emlädi,
Elkin bolup ol kečär [Koshg'ariy, Mahmud, 2017:352].

Тўртликда кечган ***yüknüp*** – «таъзим қилиб; эгилиб» маъносида; ***yamladï*** – «артди; кетказди»; ***Közüm yašïn yamladï*** – «кўзимнинг ёшини кетказди, аритди» деган маънодадир; ***bayrïm bašïn*** – «бағрим ярасини» дегани (***baš*** – «яра» англамида); ***Bayrïm bašïn emlädi*** – «Дилим ярасини даволади» деб тушунилади; сўнгги сатрдаги ***elkin*** сўзи ***yelkin*** нинг бир шаклидир, «елдай келиб кетувчи, беқарор» маъноларида.

Тўртликнинг маъноси шундай бўлади: «У мени қайтадан тирилтирди. Менга таъзим қилиб, имо қилди. Уни кўриб кўзимнинг ёшини кетказди, бағрим яраси соғайди, ўзи эса бир кўринди-ю, елдай кетди».

Айтиш мумкинки, туркий лирик шеъриятининг илдизлари илк ўрта асрлар халқ оғзаки шеъриятига бориб тақалади. «Девону луғати-т-турк»да келтирилган ишқий мазмундаги тўртлик ва байтлар лирик шеъриятимизнинг илк намуналаридир.

НАТИЖА

Оғзаки шеърият намуналари туркий халқларда жуда қадимдан халқ қўшиқлари кўринишида шаклланганини кузатишимиз мумкин. Бунда илк лирикага оид қўшиқлар ўзига хос ўринга эга бўлиб, буни биз «Девону луғати-т-турк» асарида учратишимиз мумкин.

«Девону луғати-т-турк» даги лирик шеърларни ҳам семантик, ҳам стилистик тадқиқ этиш натижасида, уларнинг бадиий хусусияти ёритиб берилди. Туркий лирикада кенг қўлланилган бадиий санъатлар ва рамзлар очиб берилди.

ХУЛОСА

«Девону луғати-т-турк» эски туркий тилнинг бой луғати ва мукаммал тузилган грамматик асаридир. Китобда ниҳоятда бой сўзлар қатлами жамланган, уларнинг маънолари халқ қўшиқлари, достонларнинг узиндилари, отасўзлари, иборалар, ўша давр жонли тилидан олинган мисоллар орқали очиб берилган. Айниқса, асарда келтирилган шеърий тўртлик ва байтларнинг аҳамияти катта. Улар қадимги туркий оғзаки адабиётнинг ниҳоятда

бой ўтганидан далолат беради. Луғатда берилган сўз маъноларини очиқлашда шеъриятдан мисол келтириш тарихий лексикографиянинг, аниқроғи, Маҳмуд Кошғарийнинг улуғ кашфиётидир. Ҳақиқатан, луғатларда шеърий мисоллар берилганда сўзнинг поэтик маъноси, энг нозик қирралари яхши очилар экан. Буни кейинги давр луғатчилигида ҳам кузатамиз. Хусусан, эски ўзбек тили, ўзбек классик ижодкорлари асарлари бўйича тузилган луғатлар ҳам айни анъанани сақлади.

Жанрларнинг такомилида бадиий тасвир воситаларининг вазифаси муҳим омил экани намоён бўлади. Узиндиларда қўлланилган бадиий тасвир воситалари илгари сурилаётган фикрларни, мисраларда берилаётган мазмунни ифодалаш учун восита бўлиб хизмат қилади ва, шу билан бирга, улар мисра, байт ёки асарнинг жозибалилиги, образлилиги, таъсир кучини ошириш каби муҳим вазифаларни ҳам бажаради.

«Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда бадиий санъатдан жуда моҳирлик билан фойдаланилганига гувоҳ бўламиз. Айнан, халқ оғзаки ижоди намуналарида кейинги давр ёзма адабиёти учун манба вазифасини ўтовчи гўзал ташбиҳ, тажнис, ирсоли масал, таносуб, муболаға, истиора каби бадиий санъатлар қўлланилган. Бунинг исботи сифатида «Девону луғати-т-турк» асаридаги узиндиларни келтириш мумкин. Шу жиҳатдан, асардаги парчаларда мумтоз адабиётимиздаги анъанавий ташбиҳ, тазод ва истиораларнинг илк илдизларига дуч келамиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Akbulak Ö (2015). Divanü lügat-it-türk'te geçen su ile ilgili terimler üzerine bir inceleme. Akademik Sosyal Araştırmalar Dergigi, Yıl: 3, Sayı: 9, Mart 2015, s. 385-410.
2. Arat R.R. (2016) Eski türk şiiri. – Ankara: Türk tarihi kurumu basımevi, 1991; Kaya D. Divanü lügati't-türk´teki şiirler hece ölçülü mü aruz ölçülü? // Türk Kültürü Araştırmaları Dergisi. – № 2. – Ankara, 2016. – S. 13-22.
3. Elove A.İ. (1936) Dîvanü Lugatit – Türk teki halk şiirleri // Türkün, 1936. – № 6. – S. 54-59; – № 7. – S. 65-72; – № 8. – S. 65-72; Türkün, 1937. – № 9. – S. 1-8; – № 10. – S. 32-40; – № 11. – S. 29-38.
4. Kaya D. (2016) Divanü lügati't-türk´teki şiirler hece ölçülü mü aruz ölçülü? // Türk Kültürü Araştırmaları Dergisi. – № 2. – Ankara, 2016. – S. 13-22.
5. Korkmaz Z. (1995) Kâşgarlı Mahmud ve divanu lûgati't türk // Türk Dili Üzerine Araştırmalar. – Ankara, 1995. – S. 254-260.
6. Maḥmūd al-Kāšγarī. (1985) Compendium of the turkic dialects (Dīwān Luγāt at-Turk). Edit and Translated with Introduction and Indices by R. Dankoff, J. Kelly. Part I-III. – Harvard, 1982, 1984, 1985.
7. Кошғарий, Маҳмуд. (2017) Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017.
8. Абдурауф Фитрат. (2006) Танланган асарлар. 4 жилдлик. 4 жилд. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Маънавият, 2006.
9. Абдураҳмонов А. (2004) Туркий халқлар оғзаки ижоди (Энг қадимдан исломгача бўлган давр). – Самарқанд: СамДУ, 2004.
10. ДТС (1969). Древнетюркский словарь. – Ленинград, 1969.
11. Исҳоқов Ё. (2006) Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Zarqalam, 2006.
12. Қаюмов А (2006) ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 2000.
13. Қадимий ҳикматлар. (1987) – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987.
14. Маматқулов М. (2004) Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси. Филол.ф.н... дис. – Тошкент, 2004.
15. Ражабов Д. (2013) «Девону луғатит турк»даги адабий парчалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – № 2. – Б. 106-111.
16. Раҳмонов Н. (2018) «Девону луғоти-т-турк» – адабий манба сифатида // «Девону луғоти-т-турк» – туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги» мавзуидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2018. – Б. 54-66.
17. Содиқов Қ. (2016) «Девону луғати-т-турк»да асарида келтирилган лирик шеърлар семантикасига бир боқиш // «Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги» Республика илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2016. – Б. 19-28.
18. Содиқов Қ. (20141) «Девону луғати-т-турк» ва унинг ўзбек тилшунослиги тараққиётидаги ўрни // Sharq mash'ali, 2014. – № 2 (46). – Б. 15-19.
19. Содиқов Қ. (20142) «Девону луғати-т-турк»да кечган yelkin~elkin сўзи ва унинг шеърий узиндилардаги семантикаси // «Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги» Республика илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2014. – № 2. – Б. 24-28.
20. Стеблева (19761) И.В. К анализу типа повествования в поэтических текстах из «Диван лугат ат-турк» Махмуда ал-Кашгари // Turcologica. К семидесятилетию академиква А.Н. Кононова. – Ленинград: Наука, 1976. – С. 319-324.
21. Стеблева И.В. (19762) Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – Москва: Наука, 1976.
22. Стеблева И.В. (1971) Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971.
23. Стеблева И.В. (2012) Тюркская поэтика. Этапы развития VIII-XX вв. – Москва: Восточная литература, 2012.

24. Хайитметов А. (1974) Қадимги туркий шеърият ҳақида // Ҳаётбахш чашма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 138-149.
25. Хайитметов А. (1972) О древней поэзии тюрков (по материалам «Дивани луғатит турк» Махмуда Кашгари) // Советская тюркология. – Баку, 1972. – № 1. – С. 123-129.
26. بر گزیده ی متون نظم ترکی (از محمود کاشغری تاغریبی تبریزی). تألیف: دکتر حسین محمدزاده صدیق. – تبریز: اختر، ۱۳۸٦.

REFERENCES

1. Akbulak Ö. (2015) Divanü lügat-it-türk'te geçen su ile ilgili terimler üzerine bir inceleme. Akademik Sosyal Araştırmalar Dergigi, Yıl: 3, Sayı: 9, Mart 2015, s. 385-410.
2. Arat R.R. (2016) Eski türk şiiri. – Ankara: Türk tarihi kurumu basımevi, 1991; Kaya D. Divanü lügati't-türk´teki şiirler hece ölçülü mü aruz ölçülü? // Türk Kültürü Araştırmaları Dergisi. – № 2. – Ankara, 2016. – S. 13-22.
3. Elove A.İ. (1936) Dîvanü Lugatit – Türk teki halk şiirleri // Türkün, 1936. – № 6. – S. 54-59; – № 7. – S. 65-72; – № 8. – S. 65-72; Türkün, 1937. – № 9. – S. 1-8; – № 10. – S. 32-40; – № 11. – S. 29-38.
4. Kaya D. (2016) Divanü lügati't-türk´teki şiirler hece ölçülü mü aruz ölçülü? // Türk Kültürü Araştırmaları Dergisi. – № 2. – Ankara, 2016. – S. 13-22.
5. Korkmaz Z. (1995) Kâşgarlı Mahmud ve divanu lûgati't türk // Türk Dili Üzerine Araştırmalar. – Ankara, 1995. – S. 254-260;
6. Maḥmūd al-Kāšγarī. (1985) Compendium of the turkic dialects (Dīwān Luγāt at-Turk). Edit and Translated with Introduction and Indices by R. Dankoff, J. Kelly. Part I-III. – Harvard, 1982, 1984, 1985.
7. Koshg'ariy, Mahmud. (2017) Devonu lug'ati-t-turk [Turkiy so'zlar devoni]. Nashrga tayyorlovchi Q. Sodiqov. – Toshkent: G'afur G'ulom, 2017.
8. Abdurauf Fitrat. (2006) Tanlangan asarlar. 4 jildlik. 4 jild. Eng eski turk adabiyoti namunalari. – Toshkent: Ma'naviyat, 2006.
9. Abdurahmonov A. (2004) Turkiy xalqlar og'zaki ijodi (Eng qadimdan islomgacha bo'lgan davr). – Samarqand: SamDU, 2004.
10. DTS (1969). Drevnetyurkskiy slovar. – Leningrad, 1969.
11. Is'hoqov Y. (2006) So'z san'ati so'zligi. – Toshkent: Zarqalam, 2006.
12. Qayumov A (2006) va boshqalar. Qadimgi yozma yodgorliklar. – Toshkent: Yozuvchi, 2000.
13. Qadimiy hikmatlar. (1987) – Toshkent: Adabiyot va san'at, 1987.
14. Mamatqulov M. (2004) Qadimgi turkiy adabiyotda janrlar poetikasi. Filol.f.n... dis. – Toshkent, 2004.
15. Rajabov D. (2013) «Devonu lug'atit turk»dagi adabiy parchalar haqida // O'zbek tili va adabiyoti, 2013. – № 2. – B. 106-111.
16. Rahmonov N. (2018) «Devonu lug'oti-t-turk» – adabiy manba sifatida // «Devonu lug'oti-t-turk» – turkiy xalqlarning noyob yozma yodgorligi» mavzuidagi xalqaro ilmiy anjuman materiallari. – Toshkent, 2018. – B. 54-66.
17. Sodiqov Q. (2016) «Devonu lug'ati-t-turk»da asarida keltirilgan lirik she'rlar semantikasiga bir boqish // «Sharq tarjimashunosligi: tarixi, hozirgi kuni va kelajagi» Respublika ilmiy-amaliy konferensiya to'plami. – Toshkent: ToshDSHI, 2016. – B. 19-28.
18. Sodiqov Q. (20141) «Devonu lug'ati-t-turk» va uning o'zbek tilshunosligi taraqqiyotidagi o'rni // Sharq mash'ali, 2014. – № 2 (46). – B. 15-19.
19. Sodiqov Q. (20142) «Devonu lug'ati-t-turk»da kechgan *yelkin~elkin* so'zi va uning she'riy uzindilardagi semantikasi // «Sharq tarjimashunosligi: tarixi, hozirgi kuni va kelajagi» Respublika ilmiy-amaliy konferensiya to'plami. – Toshkent: ToshDSHI, 2014. – № 2. – B. 24-28.
20. Stebleva (19761) I.V. K analizu tipa povestvovaniya v poeticheskix tekstax iz «Divan lugat at-turk» Maxmuda al-Kashgari // Turcologica. K semidesyatiletiyu akademikva A.N. Kononova. – Leningrad: Nauka, 1976. – S. 319-324.
21. Stebleva I.V. (19762) Poetika drevnetyurkskoy literaturi i yeyo transformatsiya v ranneklassicheskiy period. – Moskva: Nauka, 1976.
22. Stebleva I.V. (1971) Razvitie tyurkskix poeticheskix form v XI veke. – Moskva: Nauka, 1971.
23. Stebleva I.V. (2012) Tyurkskaya poetika. Etapi razvitiya VIII-XX vv. – Moskva: Vostochnaya literatura, 2012.
24. Xayitmetov A. (1974) Qadimgi turkiy she'riyat haqida // Hayotbahsh chashma. – Toshkent: Adabiyot va san'at, 1974. – B. 138-149.
25. Xayitmetov A. (1972) O drevney poezii tyurkov (po materialam «Divani lug'atit turk» Maxmuda Kashgari) // Sovetskaya tyurkologiya. – Baku, 1972. – № 1. – S. 123-129.
26. Muhammadzoda, Husayn. (1386) Bargo'zideyi matune nazme to'rki (Az Mahmud Koshg'ariy Tag'ribiy Tabriziy). Taalef: Doktor Husayn Muhammadzoda Siddiq. – Tabriz: Axtar, 1386.